

СИҚИЛГАН ГАЗ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА №

2022 йил «25» январ

Жондор ш.

ООО "JONDOR METAN GAZ" (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи М.С.Хусаинов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор тумани давлат солиқ инспекцияси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи А.Ниёзов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га сиқилган газ махсулотларини бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа сиқилган газ махсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эhtiёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги бюджет маблағлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 3300000 (Уч миллион уч юз минг) сўми ташкил қилади. Шартноманинг суммаси сиқилган газ махсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган сиқилган газ махсулотларининг нархлари, сиқилган газ махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки сиқилган газ махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

газ махсулоти тури	ЎзДС ва ТХ	1 м3 учун нархи (сўмда)	Миқдори (м3)	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	Жами
Сиқилган табиий газ		2500	1320	3300000	0	0	0	3300000

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Сиқилган газ махсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотида кўра ўз транспортида, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилги куйиш шахобчаларидан таркатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости чизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Сиқилган газ махсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Махсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» сиқилган газ махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда сиқилган газ махсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига махсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. сиқилган газ махсулотлари куйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Сиқилган газ махсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» махсулот йўқлиги сабабли махсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган махсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт

Агарда махсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» кўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

- 3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.
- 3.2. «Истеъмолчи» олаётган сиқилган газ маҳсулотни учун ҳар ой олдиндан тулов:
 - бензин ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;
 - дизел ёкилғиси учун 100 фоиз миқдорида ойнинг охириги санасига амалга оширилади.
- 3.3. «Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.
- 3.4. «Таъминотчи» сиқилган газ маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари ҳисобга олинади.
- 3.5. сиқилган газ маҳсулотларининг нархи, темир йул харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. сиқилган газ маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 «Таъминотчи» сиқилган газ маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган сиқилган газ маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни сиқилган газ маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.
- 6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган сиқилган газ маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» сиқилган газ маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган сиқилган газ маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган сиқилган газ маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцентсиз тартибда ундирилади.
- 6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва сиқилган газ маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи»нинг харажатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. сиқилган газ маҳсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида қўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига қафолат бериши лозим.
- 6.4. Етказиб берилган сиқилган газ маҳсулотни тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик Кодекси ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 7.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлини масида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради).
- 7.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида муурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган ҳисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари»га асосан амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача белгиланади).
- 7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 7.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг қелишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

ООО "JONDOR METAN GAZ" (етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор тумани Пулоти МФЙ Куча кишлоғи
Тел./факс 99-700-90-30
Ҳ/р 20208000504553877001.
Банк номи “ИПОТЕКА-БАНК” “САРДОР” филиали
МФО 00119 ИНН 300048492
ОКОНХ 61127

Раҳбар

М.Хусайнов
(Ф.И.Ш)



«Истеъмолчи»

Жондор туман давлат солиқ инспекцияси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жондор туман М.Торобий кўча № 52 уй
Тел./факс 58-23-300

Ғазна /ҳ 23402000300100001010.

Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МФО 00014 ИНН 201807816

ОКОНХ 97600

ш/х1 100010860062467011332093001

х/р2 _____

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Ғазначилиги

Банк номи. Марказий банкнинг ХККМ Тошкент шаҳар бош бошқармаси

МФО 00014 ИНН 201122919.

ДСИ бошқалиги

_____ А.Ниёзов

(Ф.И.Ш)



Хуқуқий ҳўлоса

Ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-456 моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонунлари ва норматив ҳужжатлари асосида шартномани имзолашга розилик билдираман.

ХУҚУҚШУНОС:

_____ (имзо)

_____ (бюджетдан маблағ олувчи ташкилот хуқуқшуносининг Ф.И.О)

¹ - тегишли бюджетдан маблағ олувчининг Ғазначилик бўлинмасида очилган шахсий ҳисобварағи (ёки шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.

² - Бюджетдан маблағ олувчининг ғазначиликдаги бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварағи ёки банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи кўрсатилади.